



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№43 (73) 24.10.2019 йил

» Беш ташаббус ижроси — амалда

Кутилмаган янгилик:

“Ўзбек тили байрами кунини”



Тил ҳар бир миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажигидир. Тилга эътибор миллатга эътибор демакдир. Бундан роппароса 30 йил олдин ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Дунёда етти мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили мақомига эга. Булар орасида ўзбек тилининг ўз ўрни бор. Таъкидлаш жоизки, ер юзиде 50 миллион одам ўзбек тилида сўзлашади.

21 октябр кунини “Tashkent City” ҳудудидаги “Congress Hall” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси “Дав-

лат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллиги муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллиги билан барчани муборакбод этди.

Маълумки, бугун Ўзбекистоннинг замонавий қиёфаси кун сайин ривожланиб, янгича чирой очиб бормоқда. Куриляётган янги бино ва иморатлар замон талабларига тўлақонли жавоб беради десак

муболаға бўлмайдир. Биргина “Tashkent City”ни олайлик. Марказ ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини мужассам этган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад – замонавий, “ақлли шаҳар” барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ҳамда инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гўзал пойтахтимиз жозибadorлигини оширишдан иборатдир.

» Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда


Бой меросимиз жамланган маскан



» 3-саҳифада

Фарғона водийси:

Тарих тилга кирганда



» 6-саҳифада

Шахрисабз – шоир ва хаттотлар юрти



» 8-саҳифада

» Беш ташаббус ижроси — амалда



“Мен — дирижёр”

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси ижроси доирасида “Мен — дирижёр” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ўқувчиларни мусиқа санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд этиш, ёшларнинг маданий-маънавий савиясини юксалтириш, уларнинг дирижёрликка бўлган қизиқишларини ошириш, дирижёрлик санъати билан яқиндан таништириш ва иктидорли ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган ҳафталик тадбирлари 23 октябрдан 31 октябргача давом этади. Дастлабки тадбир Ўзбекистон давлат филармониясида бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон халқ артисти, дирижёр Исмоил Жалилов раҳбарлигидаги миллий симфоник оркестри дирижёри Алибек Абдурахмонов шаҳардаги умумтаълим мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг 200 нафарига маҳорат дарсини ўтказди. Шунинг таъкидлаш жоизки, “Мен — дирижёр” лойиҳасининг илк машғулотиданоқ мусиқасевар ёшларнинг дирижёрликка, мусиқа асбобларига бўлган қизиқишлари жуда катта.

» Давоми 2-саҳифада

» Халқаро алоқалар кенгаймоқда

Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилади



Ўзбекистон маданият вазирлигида Бразилия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллода мухтор элчиси Товар да Силва Нунес билан учрашув бўлиб ўтди. Элчи жаноблари ва ҳамроҳлари Томаз Алешандре Майер Наполео ҳамда Алмир Рибеиро Американо билан ҳамкорлик учрашувида Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков иштирок этди. Ўзаро мулоқотда ҳар икки томон учун қизиқарли масалалар кўриб чиқилди.

» Давоми 2-саҳифада

» Донолар сўзлайди...

Бошингни уйласанг, асрагил тилинг, истаган онинда бошга етар тил.
(Юсуф Хос Ҳожиб)

Биз ўз тилимизнинг гўзаллигини, уни бошқа элларда эшитганимиздагина ҳис қиламиз.
(Бернард Шоу)

Кўп тилларни билиш — бир кўлф учун кўп қалитга эга бўлишдир.
(Вольтер)

» Узбек тили байрами кунини

Филармония ходимлари ҳам байрамда фаол

Ҳали юртимиз ва халқимиз тўла мустақил бўлмаган мурракб шароитда — 1989 йилнинг 21 октябрь кунини Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган эди. Қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг мамлакатимизда ўзбек тилига дав-

лат тили мақоми берилди. Бундай катта маънавий жасорат эса халқимиз ҳаётидаги янги миллий уйғониш даврига кенг йўл очди.

Айни кунларда мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги кенг нишонланмоқда. 21 октябрь кунини Алишер На-

воий ҳайкали пойига гул қўйиш маросимида Ўзбекистон давлат Филармонияси ходимлари ҳам фаол иштирок этди. Хусусан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зариф Азизов ҳазрат Навоийнинг газалларидан ҳамда она тилимиз ҳақида ижро этган қўшиқлари даврага ўзгача файз бағишлади.



» Давоми. Боши 1-саҳифада



Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилади

Бразилия элчисининг айтишича, янгилаётган Ўзбекистондаги оламшумул ўзгаришлар барчани қизиқтирмоқда. Элчи сифатида Ўзбекистон санъати ва маданияти билан бразилияликларни кенгроқ таништириш, шунингдек, ўз халқининг маданияти ва санъатини ҳам ўзбекистонликларга намойиш этишни мақсад қилган. Ўз навбатида Озодбек Назарбеков бунинг учун Ўзбекистонда шароитлар етарли эканини, бунинг ўтказилаётган ҳар бир халқаро фестивалларда қатнашаётган хорижлик меҳмонлар эътирофларидан билиш мумкинлигини таъкидлади.

» Давоми. Боши 1-саҳифада

Кутилмаган янгилик:

“Ўзбек тили байрами кунини”

“Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан, она тилим” шиори остидаги байрам тадбири “Tashkent City” ҳудудидаги “Congress Hall” мажмуасида ўтказилганлиги ҳам йиғилганлар кайфиятига кайфият қўшди десак адашмаймиз.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимда-ким Ўзбек тилининг бор лафозининг, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига қулоқ тусин. Байрам сўнггида тўзал ялларимиз, шўх кўч-қўшиқларимиз намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганлиги кутилмаган янгилик бўлди.

» Давоми. Боши 1-саҳифада

“Мен — дирижёр”

Улар Алибек Абдурахмонов дирижёрлигидаги “Империя марши”, “Қариб денгизи қароқчилари”, дея номланган мусикаларни мароқ билан тинглашди. Дарс давомида ўқувчилар ҳар бир мусиқа асбобларининг тўғри номларини, ижро услуби ҳақида кенг маълумот олишди. Шу билан бирга, ўз билим ва иқтидорларини ҳам синаб кўришди. Улар кейинги маҳорат дарсларига ҳам бажонидил қатнашиш истагини билдиришди. Бу дарсларни Дилшод Муталов, Анвар Раимжонов, Элдор Азимов ва Олег Усмонов каби таниқли дирижёрлар олиб боришади.

С.РИХСИЕВА

» Қонуний асос

“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустақкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган бекиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жаҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаятган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — **21 октябрь санасини “Ўзбек тили байрами кунини”** деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ходимларининг умумий чекланган сони 9 та

штат бирлигидан иборат **Давлат тилини ривожлантириш департаменти** ташкил этилсин ва унинг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Давлат тилини ривожлантириш департаментининг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингини амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, “Ўзбек тили байрами кунини”ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбек тилига муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топоним объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш;

давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) **уч ой муддатда:** “Ўзбек тили байрами кунини”ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини;

“Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуктаи назардан такомиллаштирган ҳолда унинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) **икки ой муддатда** хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларнинг расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссиясини ташкил этиш

ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилсин;

в) **2020 йил 1 июнга қадар** қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси** ва **давлат дастури** лойиҳаларини киритсин;

мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш;

давлат тили қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бериш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликларини электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 21 октябрь

Халқаро ҳамкорлик

Талабалар АҚШ таълим кўргазмасида



16 октябрь куни Тошкент шаҳрида олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида АҚШ университетларининг кўргазмаси ташкил этилди. Америка халқаро таълим кенгашлари (АСІЕ) ташаббуси билан ўтказилган мазкур кўргазмада АҚШдаги олий ўқув юртли вакиллари ўз тақдимотларини намо-

йиш этишди, шунингдек, бу ҳақда батафсилроқ маълумот берувчи китоб ва буклетлар ҳам тарқатилди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси ўқитувчилари ва талабалари ҳам ушбу тадбирда қатнашиб, керакли маълумотларни олишди.



Тарих кўзгуси

Узоқ ўтмишга эга халқимизнинг метин иродаси, мақсад муддаолари, буюк тарихини намоён қиладиган моддий-маънавий ёдгорликларимиз асл қадриятлар қаторида жаҳонни лол қолдириб келмоқда. Айниқса, буюк алломаларимизнинг бой мероси, тафаккур маёғи бугунга қадар инсоният тараққиёт йўлларини ёритиб келмоқда.



Бой меросимиз жамланган маскан

Мозийни акс эттирадиган жамики унсурларни асраб-авайлаш, ота-болаларимиздан қолган меросни бардавом қилиш, уни авлоддан авлодга етказиш шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг энг олий бурчидир. Мана шундай теран гояларни илгари сурган ҳолда юртимизнинг турли чекка ҳудудларида тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, маърифий муассасалар, бир неча музейлар барпо этилган. Тошкентдаги Амир Темурий хиббони яқинидаги Темурийлар тарихи давлат музейи ҳам шулар жумласидан. Ушбу музей Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан 1996 йил 18 октябрда, Амир Темурий таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ташкил этилган.

Музей ўрта аср меъморчилиги, анъаналари асосида айлана тархли, томи гумбазли қилиб қурилган. Бинога мраммар зиналар орқали 3 эшикдан кирилади. Ўймакорлик санъати билан безатишган ўн тўртта ёғоч эшик ҳам ўзига хос. Музейга кириб келар экансиз, ўзининг жозибаси, улғуворлиги билан сизни мафтун қиладиган “Зумрад” қандил билан юзлашасиз. Қандилга ҳамоҳанг тарзда кўргазма залининг марказидаги деворий тасвирда “Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор” номи 3 қисмдан иборат асар ўрин олган. Уларнинг биринчиси — “Туғилиш” қисмида соҳибқироннинг дунёга келиши билан боғлиқ урф-одатлар рамзий тасвирларда ифодаланган. Иккинчиси — “Юксалиш” ва “Рости — расти” (Тўғрилиқ нажотдир) деган шюор олтин ҳарфлар билан битилган. Учинчиси — “Фахрлашиш” бўлимида мероснинг авлоддан авлодга ўтиб келаётганлик гояси ўз аксини топган. Ташқи деворларида эса “сулс” усули-

да инсонни яхшиликларга ундовчи сўзлар ёзилган.

Музей экспонатларини томоша қилар экансиз, Амир Темурий шуқуҳини ҳис этасиз. Бу сирли олам сизга буюк ўтмиш зарварақларидан фахр, ифтихор, ғурур каби туйғуларни инъом этади. Музей тўрт бўлимдан: маънавият ва маърифат, фонд ва архив, экскурсиялар ҳамда экспозиция ва кўргазмаларни илмий лойиҳалаш, шунингдек бадий безаш бўлимларидан иборат. Музейнинг биринчи қаватида маъмурият, ахборот маъруза зали ва бошқа техник хизмат хоналари жойлашган. Иккинчи қават кўргазма зали бўлиб, унда 8 та бўлим мавжуд. Ушбу бўлимдаги Темурийлар тарихига оид ноёб экспонатлар вилоятларимиздаги йирик музейлардан келтирилган.

Бинонинг учинчи қаватида эса олим Турғун Файзиев томонидан тикланган Темурийлардан Бобурийларгача бўлган шахсларнинг исм-шарифлари ёзилган шажара мавжуд.

Бу ердаги қадимий экспонатларни томоша қилар экансиз, тарихий кийимлар, дубулға, қамчи, эгар-жабдуқларни кўриб, гўё ота-боболаримиз қатнашган жангу жадалларга тушиб қолгандек бўласиз. Тарихда ўчмас из қолдирган Бобурийлар авлоди Шохжаҳон қурдирган муъжизавий “Тоғмаҳал”нинг макети ҳам музейга ташриф буюрган меҳмонлар эътиборида.

Музейда археология, нумизматика ёдгорликлари, қўлэмалари, тасвирий санъат намуналари ҳам бор. Ҳозирги кунда музей ходими Дилмурод Нормуродов Сирдарё бўйида жойлашган Шохруҳия қалъасида археологик ишларни олиб бормоқда. Бу заминдан шу вақтгача, қанчадан-қанча сопол идишлар, 2000 йиллик тарихга эга кўзалар топилгани қайд этилган.

Ҳар йили 100 мингдан зиёд томошабин ташриф буюрадиган музейда олтмишдан ортиқ салоҳиятли, бир неча тилларни мукамал билладиган соҳа ходимлари фаолият юритмоқда. Музейнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро каби вилоятларда ҳам филиаллари бор. Шунингдек, бу ерга қўшни давлатлар — Афғонистон, Тожикистон, Туркменистондан ҳам жуда кўплаб меҳмонлар ташриф буюришади.

— Европа билан ҳам ҳамкорлик шартномалари имзолаганмиз. Музей делегациялари Европага бориб, у ерда сақланаётган осори атиқалар, қўлэмаларнинг рўйхати ва факсимилиясини олиб келишади, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи маънавият ва маърифат бўлими мудир, тарих фанлар номзоди Илҳомжон Назиржон ўғли. — Мана яқинда покистонлик элчилар музейимизга Бобур мирзо имзосининг факсимилиясини олиб келишди. Шунингдек, Ўзбек ислом цивилизацияси маркази раҳбари Мунавваров бошчилигидаги делегация Сурияга бориб, у ердаги кутубхоналардан бирида Аҳмад Фарғонийнинг “китобат санъати” да битилган китобини кўришибди. Бу усулда китоб ёзиш IX-X асрларда кенг тарқалган. Унда матн китоб арағининг ўртасига жойлаштирилади. Китобнинг ён-атрофи эса очик қолдирилади. Бундан китобни ташқи таъсирдан ҳимоялаш учун фойдаланилган. Муаллиф китоб четига ўзининг изоҳлари, эсдаликларини ёзиб қўйиши мумкин бўлган.

Қисқаси, бундай ҳамкорликлар давомида тажриба ва фикр алмашамиз. Бу эса музей фаолиятини янада ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Шаҳзода ШОМУРОДОВА
ЎзЖОКУ талабаси

Бадийй кеча

“Она тилим — ғурурим”



Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккур ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она аллеси, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили миллатнинг руҳидир. Она тилимизга бўлган муҳаббат онага, ватанга, миллатга ва, энг асосийси, Ўзбекистоннинг буюк келажига бўлган эътибордир.

18 октябрь куни Жиззах вилояти Фориш туман маданият бўлими кутубхонасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган куннинг ўттиз йиллиги муносабати билан “Она тилим — ғурурим” номли бадийй кеча бўлиб ўтди.

Бир гуруҳ китобхонлар иштирок этган тадбирда 1-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Нафиса Миркомиллова сўз олиб, она тилимизнинг тарихи ва бугуни ҳақидаги фикрларини билдирди. Шунингдек, кутубхоначи Мамлакат Рўзиқулова ва туман кўзи ожизлар кутубхонаси ходими Дилбар Худойкуловларнинг “Тил — миллат кўрки” мавзусидаги маърузалари тингланди.



Кечада фаол китобхонлар — Фарангиз Ҳусанова, Дилдора Ҳайдарова, Шаҳзода Вазирова, Зарина Нормухамедова, Лазизбек Хуррамбеков, Сафия Усмонова, Алишер Омонуллаев, Зиёда Ғаффорова, Нафосат Курдошевлар ҳам она тилимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги ўз тушунчаларини баён этишди, ўзбек ва инглиз тилларида ватан, тил ҳақида шеърлар ўқишди.

Тадбир доирасида “Тил — миллатимиз рамзи” номи китоб кўргазмаси ҳам намоиш этилди.

Л.ҲАКИМОВА,
Фориш маданият маркази мутахассиси

» Тақдимот

“Баджаҳл қуёнча” болалар билан ўйнайди



16 октябрь куни Фарғона вилояти кўғирчоқ театрида М.Супониннинг “Баджаҳл қуёнча” асари асосидаги янги спектакль премьераси бўлиб ўтди. Режиссёр ва расом С.Седухин томонидан сахналаштирилган ушбу асар воқеалари бевосита болажонлар билан мулоқот тарзида бўлиб ўтади. Спектаклни томоша қилиш давомида жажжи томошабинлар эр-

так қаҳрамонлари билан қизиқарли ўйинларни ҳам ўйнайди.

Асосий қаҳрамонларни Ш.Аҳмедов, Д.Турдиева, Н.Сабрдинова ва Н.Аъзамовлар каби актёрлар талқин этишди ва зиммаларига юклатилган вазифани аъло даражада бажаришди.

Спектакль болажонлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.



» Концерт



“Обод юрт дурдонаси” —

кўнгиллар таронаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон давлат филармонияси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида Ўзбекистон давлат филармонияси ўз тасарруфидоги вилоятлар ҳудудий филармонияларининг фаолиятини янада ривожлантириши, репертуарларини миллий мусиқа ва санъатимиз билан бир қаторда жаҳон мусиқаси асарлари билан янада бойитиб бориши, уларни кенг тарғиб этиши ва халқимизга етказишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Еш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг катта сахналарда чиқиши кўнгилларини, шу билан бирга, ижро маҳоратларини янада ошириши мақсадида, вилоятларнинг ҳудудий филармония жамоалари йилга икки марта Тошкент шаҳридаги нуфузли санъат саройларида ўзларининг концерт дастурлари билан қатнашадилар.

17 октябрь куни Ўзбекистон давлат филармониясининг Андижон вилоят ҳудудий бўлинимаси “Туркистон” санъат саройида “Обод юрт дурдонаси” деб номланган концертини намойиш этди. Концертда барча куй-қўшиқлар жонли ижро этилди.

Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилояти бўлинимаси 32 нафар ижодий ходимдан ташкил топган. Айни пайтда жамоада фахрий санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турсунбой Парпиев, устоз санъаткорлар — Акрамжон Турдиев, Адхамжон Абдулҳаевлар қаторида еш истеъдодли хонандалар — Аъзамжон Султонов, Санжарбек Омонов, Муҳайё Тожимаматова, Умида Абдурасулова, Нилуфар Каримова, Наргиза Йўлдошева, бундан ташқари, балейтмейстер Ойиста Холматова ва мусиқа раҳбари Аброрбек Жамолидиновлар бошчилигидаги соҳнада ҳамда балет артистлари фаолият юритмоқда. Жамоа аҳолининг бўш вақтини марқоли ўтказиш ва халқимизни миллий мумтоз куй-қўшиқ ҳамда рақс санъатидан баҳраманд этиш мақсадида барча тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Шунингдек, келажакда концерт дастурларини мукамаллаштириши, миллий мақом ва мумтоз куй-қўшиқларимизни янги талқинларда ижро этиши, асарларга ўзгача сайқал бериш борасида тажрибали ижрочилар ижодий изланишлар олиб боришяпти.

Бўлима репертуаридан “Армуғон”, “Муножот”, “Куйгай”, “Таманно”, “Андижон самоси”, “Тул мавсуми”, “Азим дарё”, “Онанг бўлса”, “Хуш келибсиз”, “Бир ёр”, “Андижонлик оyimлар”, “Соғиндим ман”, “Адолат тановори”, “Эй сарвиравон”, “Андижон сайқали”, “Салламо”, “Фаввора”, “Хаёли киз”, “Дилдор”, “Фасли навбахор”, “Суратинг”, “Бу гулшани соз”, “Эй дил”, “Қаро кўзлар” каби санъат ихлосмандлари севиб тинглайдиган куй ва қўшиқлар ўрин олган.

Ўзбекистон давлат филармонияси таркибидоги ижодий жамоалар вилоят филармония бўлиналари билан ҳамкорликда республикамизнинг чекка ҳудудлари аҳолисини ҳам ўз концертлари билан хурсанд қилиб келмоқда. Ҳамкорликдаги концертлар Андижоннинг Избоскан, Олтинкўл, Жалақудук, Бўз, Кўрғонтепа ва Марҳамат туманларида ҳам ўтказилди. Филармониянинг таниқли хонандалари ва созандалари, раққосалари билан вилоятлар ҳудудий филармония ижодий жамоалари ўртасида ҳамкорлик концертларини ўтказишдан мақсад эса ижодкорлар учун жуда фойдали бўлган ўзаро ҳамкорлик ришталарини йўлга қўйишдир.

Ҳудудий филармонияларнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган концертлари давом этади. 26 ноябрда Наманган вилоятининг жамоаси, декабрь ойида эса Жиззаҳ ҳамда Хоразм вилоятлари ўзларининг мавсум концертларини пойтахтда намойиш этишади.

Абдувахоб САХИЕВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси Бош директорининг биринчи ўринбосари

» Тарихимсан, тақдиримсан, келажгимсан, она тилим!

“Миллий тилни йўқотмак миллат руҳини йўқотмакдур”

2019 йил 4 октябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди ва шу муносабат билан ўтказиладиган оммавий, маънавий-маърифий чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Яъни ушбу санага бағишланган тадбирларни мамлакатнинг барча шаҳар ва туманларидаги маданият муассасаларида кенг миқёсда нишонлаш белгилаб берилди.



Тил — халқ тарихи ва маданиятининг асосий замири ҳисобланади. Кимки ана шу “калит”дан фойдалана билса, у халқнинг юрагига йўл топади, маданияти ва миллий хусусиятларини чуқурроқ тушуна билсади. Тил одамлар ўртасида алоқа воситасигина бўлиб қолмай, айни пайтда маданиятнинг шундай буюк ютуғи, унда халқнинг кўп асрлик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти, тараққиётининг тарихи акс этади. **Ҳатто энг кам сонли элат учун ҳам ўз тилини унутиш тарихи ва келажак авлод олдидоги жиноят ҳисобланади.**

Тил билиш — ҳар бир шахс маънавий камолотининг зарур шартларида бири. Кўп тилларни билиш жаҳон маданияти хазиналарини ўрганишга, миллий маданиятлар, миллий онг ва руҳиятни аниқроқ, чуқурроқ билишга имкон беради. **Аммо бошқа тилларни билиш ўз она тилини билмаслик ҳисобига бўлмаслиги керак!** Ўз она тилини билмаган киши бошқа халқлар тилини билган тақдирда ҳам, унинг қадрига ета олмайди. Инсон ўз она тилини билмаса, уни ҳурмат қилмаса, бундай кишини маънавий жиҳатдан тўлақонли шахс деб бўлмайди, ўз тилини билмаслик маънавий қашшоқлик белгиси саналади. Бинобарин ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, илдизини, келажакини ҳам билмайди.

Миллат мавжуд экан, миллий тил ҳам, миллий маданият ҳам, миллий онг ва руҳият ҳам сақланади, ривожланади. Тилсиз миллат ривожлана олмайди. Бусиз унинг келажиги йўқ. Тилга ҳурматсизлик билан қараш — шу тилда сўзлашувчи халққа, унинг тарихи ва маданиятига нописандлик билан қарашдир. Бунинг ҳеч бир халқ ва миллат кечира олмайди.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистоннинг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимиз мустақиллигига дастлабки қадам бўлди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва ушбу ҳуқуқий норма Конституция-мизда ҳам ўз ифодасини топгани қадриятларни тиклаш йўлидаги яна бир муҳим ҳаракат эди.

Шунингдек, 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш давлат дастури тўғрисида”ги қарори, 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни, 1995 йили “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу Қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу каби бошқа ҳужжатлар қабул қилингани муҳим аҳамият касб этади. Ушбу соҳада яратилган норматив, ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга мамлакатимизда яшашган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланишни кафолатлаб келаятгани алоҳида эътиборга сазовордир. Айни шу аснода Ўзбекистонда миллий тилни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани, бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари етти тилда фаолият олиб бораётгани жамиятимиз ҳаётида миллатлараро аҳиллик ва ҳамжихатликни мустақамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятига янада чуқур интег-

рациялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда. Айни шундай ишлар қаторида ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожига, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, кўплаб луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Айни вақтда бу соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар оз эмас. Энг аввало, она тилимизнинг қўлланчи доирасини кенгайтириш, тарихий илдиэларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта муҳим масалага айланмоқда. Зеро, ҳар қайси халқнинг тили, адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий гоёсининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, “Миллий тилни йўқатмак миллатнинг руҳини йўқатмакдур”. Бу ҳикматли сўзларни ҳамisha ёдда тутган ҳолда, фарзандларимизда ҳам болалиқдан ўз она тилига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш биз — катталар олдидоги асосий бурчлардин биридир.

Дурдона МАҲМУДОВА,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

» Учрашув

Муסיқашунос олима талабалар хузурида



17 октябрь куни Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида санъатшунослик фанлари доктори, профессор, халқаро танловлар лауреати Н.Янов-Яновскаянинг Ўзбекистон давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари ҳамда муסיқа санъати магистратура йўналиши талабалари билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Қизғин савол-жавоб шаклида кеч-

ган тadbир барчада катта таассурот қолдирди. «Муסיқа тарихи ва танқиди» кафедраси профессор-ўқитувчилари — С.Косимхўжаева, Э.Мамажонова, Г.Турсунова, М.Абборова, Р.Турсунова, Г.Умарова, Ф.Атамоллаевалар муסיқашуносга соғлиқ ва ижодий зафарлар тилаб, эсдалик совгаларини тақдим этдилар.

Ижодий учрашувда олиманинг янги китоби тақдимоти ҳам ўтказилди.

» Ижодий мулоқот



Санъат ва маданият вакиллари билан дилдан суҳбат

Ушбу тadbирларда тумандаги 35 та умумтаълим мактабларининг 850 нафардан ортик ўқитувчилари иштирок этишди.

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Бадий кулол ва таъмирлаш ҳамда Миниатюра ва китоб графикаси кафедралари профессор-ўқитувчилари Комил Сиддиқов, Улугбек Абдувахобов, Азизбек Солиевлар ҳам 14-болалар муסיқа ва санъат мактаби ҳамда «Баркамол авлод» болалар маркази ўқувчилари учун тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича маҳорат дарсларини олиб боришди, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Бугунги кунда тасвирий ва амалий санъат соҳасида фаолият олиб бораётган халқ рассомлари ва халқ усталари, санъат арбоблари ҳақида маълумотлар бериб ўтишди. Тadbир якунида марказ ўқитувчилари ва ўқувчиларига эсдалик совгалари топширилди.

10, 6, 32, 27-умумий ўрта таълим мактабларида эса Ўзбекистон Миллий академик драма театри актёрлари Толиб Мўминов ва Ғайрат Бойназаровлар иштирокида ўқитувчи педагоглар, ўқувчилар билан ижодий учрашувлар ташкил этилди. Суҳбат жараёнида актёрлар ўзбек маънавиятининг дунёга машҳурлиги, китобга бўлган эътибор, мактабининг ўқувчи ҳаётидаги ўрни, таълимга бўлаётган эътибор, устозларни қадрлаш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашди.



19 октябрь куни Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги маданият марказлари ҳамда 14-болалар муסיқа ва санъат мактабида «Ўзбекино» МА билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун «Ватан», «Оппоқ қор ёққанда», «Ота рози» номли кинофильмлар намойиш этилди.

» Тил – миллат кўзгуси



Жарангдор лутф, хуш калом

18 октябрь куни Фарғона шаҳар Халқ таълими бўлими, 19-ўрта таълим мактаби ва вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамкорлигида «Тил – миллат кўзгуси» мавзусида адабий-бадий кеча ўтказилди. Унда «Она тилимиз, унинг бекиёс мазмун-моҳияти» мавзусида мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Б. Жўраев маъруза қилди. Музей илмий ходими Ш.Юнусова ҳам шундай фикрлар билдирди:

«Инсоннинг тили чиқиб, илк айтар сўзи – Она. Халқимиз бу мўътабар каломга ҳамоҳанг «Ватан» сўзини қўшиб айтади: «Она Ватан». Миллатимизнинг тили ҳам шундай юксак меҳр ва эъзоз билан ифодаланади: «она тилим». Бинобарин, тил — миллатимиз фаҳри,

ғурури. Айни пайтда орзу-умидларимиз, мақсад-интилишларимиз бўй кўрсатадиган кўзгу ҳамдир. Тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини ўзида акс эттирган хазинадир. Ўз она тилига эга бўлиш ва унинг ривожланиши миллатнинг маънавий ўзлигини ифодалайди.

Тилимизни эъзозлаш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялашда буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Она тилимизнинг бекиёс имкониятларини ўрганиш, асраб-авайлаш муҳим вазифалардан биридир. Зеро, она тилисиз инсоннинг маънавий-руҳий илдизлири соғлом бўлмайд.

Ҳар қандай тил эҳтиромга лойиқ, бироқ ер юзида ўз она тилининг бойлиги-ю жозибаси билан фахрлана оладиган миллатлар кўп эмас. Жарангдор лутф, хуш каломларга бой ўзбек тилимиз билан ҳар қанча ифтихор этсак арзийди. Она тилимизга эҳтиром кўрсатиб, ўзбекона лутф билан бир-биримизни хушнуд этайлик. Токи бундай каломдан қалбда меҳр уйғонсин!»

Тadbир сўнггида ўқувчилар томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, бадий чиқишлар, қўшиқ ва рақслар иштирокчиларга олам-олам завқ бағишлади.

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти музейи илмий ходими Ш.Юнусова


» Ёш тилшунослар

Боқийсан, ифтихоримсан, она тилим!



21 октябрь куни Термиз шаҳар 11-умумий ўрта таълим мактабида ҳам Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари ҳамкорлигида «Боқийсан, ифтихоримсан, она тилим!» мавзусида тил байрами бўлиб ўтди. Музейнинг этнография бўлими ходимлари ўз чиқишлари ва ноёб экспонатлари билан иштирок этишди. Бу экспонатлар болалар дунёқарашини кенгайтириш, тарихга бўлган қизиқишининг ортисига замин яратди. Тadbирда 8-синф ўқувчилари ҳам қатнашиб, ўз шеър ва мақоллари, сахна кўринишлари билан кечага ўзгача файз бағишлади. Этнография бўлими ходимлари Юзбоева Гулҳебра ва Зоирова Юлдузлар ҳакамлар ҳайъати аъзолари сифатида қатнашдилар. 8-синф ўқувчилари «Тил шайдолари», «Лингвистлар», «Ёш тилшунослар», «Ўзбегим» гуруҳларига бўлиниб, ўзаро беллашдилар. Тadbир ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

» Хайрат



Олтин куз. Улкан чинор пойида баргизагон гиламсифат нақш чизган. Тол шохиди осилган нимқизил, тилларанг барглар оҳиста тебранади. Дафъатан, она аллоси таралди. Яланғоч новда шохиди тилларанг япроқ шодон чапак чалиб, қўнғироқ мисол тебраниб, чақалоқ йиғиси томон талпинади. У новдасидан «чирт» узилди-ю, ҳавода ўйноқлаб сузди, сўнг биллур мисол жиллолашиб, бешикка қўнди. Гўдак йиғиси тинди.

Сендаги муттасил барг суратини чизиш, китоб саҳифалари орасида япроқ асраш одати шунданмикин?

Баҳор суви арик лабидан тошгудек ҳайқириб оқади. Ёз кунлари қояда эриган қор сувининг қум аралаш шиддати тинди. Ариқда тип-тиник сув сокин оқа бошлади. Сув тубида чиганоқ косаси, йўқолган мунчоқ донаси яққол кўзга ташланади. Жажжи қизалоқ ариққа меҳр билан тикилиб, нозик ҳовучи тўла зиллол сув олади. Сув «қиқирлаб» ариққа сакрайди. Қизча нам, силлиқ кафтини яноқлари узра тортади.

Сендаги кўнгли тиниклиги, фикр орасалиги, оила саришталлиги шунданмикин?

Тоқяпроқлари орасидан мўралаган чарос узум «тарс» ёрилгудек, беҳи тукки тўкилиб, тилла мисол ялтирайди. Майдабарг, чакалак шохлар орасини туртиб чиққан бағри қизил анор тарам-тарам ёрилади. Ипдек нозик ва узун палакларда пишиб етилган қовун-тарвуз таъми тилни ёради. Нозу неъматга тўла куз фасли. Сендаги саҳийлик, тўкин-сочинлик, кут-барака шунданмикин?

Хонадонда алван гуллар, турфа чечаклар таровати, чаман ичра таралган сархуш ифордан дил қулфи очилади. Боғда оқ атиргул, капалакнуса гул, чиннигул, ранг-баранг куз чечаклари аримайди. Бу ғўзал манзара оғушида гул қизлар, гунча набиралар доим парвона.

Сендаги меҳр-муҳаббат туйғуси, садоқат рамзи, ибо-ҳаё тимсоли шунданмикин?..

Болтабой Шодиев

Янги спектакль

“Инсон ўзинг...”



17 октябрь куни Сирдарё вилояти мусикали драма театри жамоаси Янгиер шаҳар тиббиёт коллежида “Инсон ўзинг...” трагикомедиясини намойиш этди.


Спектаклдан олдин актёрлар жамоаси барчани “Давлат тили ҳақида”ги Конун қабул қилинган сананинг ўттиз йиллиги муносабати билан табрикландилар. Шундан сўнг Нурулло Аббосхон

қаламига мансуб сахна асари ўқитувчи ва ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Инсоний туйғулар, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, инсонпарварлик, бир-бирига бўлган муҳаббат, садоқат, элни, юртни севиш ва бошқа умуминсоний қадриятларни ўзида акс эттирган спектакль барчада катта таассурот қолдирди.

Мозийни сўзлатган олимлар

Фарғона водийси: тарих тилга кирганда



Сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихини ўрганиш ишлари янги босқичга кўтарилди. Эндиликда тарихни ўрганиш, уни нафақат туб аҳоли, балки дунё микёсида кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз, халқимиз тарихини ер юзига кўзга сингари намойён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қадимги тарихимизни ўрганган археологларнинг тадқиқотлари ва улар қолдирган моддий-маданий бойликларнинг ўрни беқиёс.

Марказий Осиёнинг қадимги тарихини Россия география жамиятига аъзо ҳисобланган географ, геолог, ҳарбий инженер ва шарқшунослар ўргана бошлади. Уларнинг дастлабки хабар ва ахборотлари бу ўлкага қизиқишни янада кучайтирди.

Ўзбекистон ҳудудида археологик тадқиқотларнинг олиб борилиши тарихи ҳақида бир неча асар ва мақолалар эълон қилинган. Бироқ улар умумий тарзда берилиб, ҳудудларни тадқиқ қилган илмий жараён алоҳида кўрсатилмаган. Хусусан, Фарғонадаги археологик тадқиқотлар хронологияси ҳозиргача шакллантирилган эмас. Фақат кўшни давлатлардаги айрим тадқиқотчилар бу мавзунини қисман ёритиб, асосан ўзларининг ҳудудларида олиб борилган тадқиқотларни қиёса қилиш билан чегараланиб қолган.

Юқориди айтилганидек, дастлабки археологик изланишлари Россия География жамияти ёки “Археология” тўғраги аъзолари олиб борган. Хусусан, **Н.Веселовский**нинг Марказий Осиё ҳудудида ўтказган илк тадқиқотлари диққатга сазовордир. 1884 йилдан изланишлар олиб борган олим фанга кўплаб янгиликларни киритган. Шу вақтда у Фарғона водийсидаги қадимий тепаликларни ҳам бориб кўришга муваффақ бўлган. У гуруҳи билан 1885 йилнинг баҳорида Чуст уезди Ашт, Пунук ва Чодак қишлоқларидаги “курум” – муғоналарда ҳам қазиш ишларини олиб борган. Илк марта Аҳси шаҳристонига бориб, қазилма ишларини олиб борган археолог, кейинчалик Косонсой қиргоғи бўйлаб жойлашган курум ва муғоналарини ўрганиб чиқди. Шу жараёнда қадимий Косон шаҳристонини ҳаробалари ҳам кўздан кечирилди. Ушбу қазишмалар ҳақида “Туркистанские ведомости” газетасида **Н.Веселовский**нинг “Қадимги кўрғонлар”га бағишланган махсус мақоласи ҳам чоп этилган.

1895 йилда Ташкентда ҳам Россия археология жамиятининг

Туркистон ҳаваскор археологлар тўғраги ташкил этилди. Унинг аъзолари Туркистон ўлкасидаги археологик ёдгорликларни ўрганиш билан шуғулланган. 1896 йилда **К.Рудановский** Фарғонадаги археологик объектларни кўздан кечириб, Қўқон, Марғилон, Уш, Ўзган ва Янги Новқатдаги меъморий обидаларнинг эпиграфик ёзувларини тадқиқ қилган эди.

Шу вақтларда **Н.Малицкий** Фарғона водийси шарқидаги манзилгоҳлар, жанубдаги Олой ва Туркистон тоғ тизмалари – Аравон ва Сўхдаги табиий ва сунъий горлар ҳамда қоятош тасвирларини ўрганиб чиқди. Яна бир рус олими **А.Петров** Сўх дарёси бассейнини ўрганиб, бир неча қадимий шахристонлар ҳақида маълумот йигди. Қўғортоқ доғидаги Сиймоли тош (шарқий Фарғона) тасвирлари 1902 йилда **Н.Хлудовнинг** тадқиқот объектга айланиб, тез орада у ҳақда бутун дунё билди.

Ушбу тадқиқотларидан руҳланган **В.Бартольд** Марказий Осиёга илк бор (1893 йил) ташриф буюрганда, бу ердаги ноёб археологик объектлар тадқиқи ва муҳофазасини кучайтириш масаласини кўтариб чиқди. Ёзма, этнографик, нумизматик ҳамда топономик манбалар қаторида археологик объектлар ҳам тарихий манбашуносликда муҳим рол ўйнаши мумкинлигини таъкидлади. Унинг иккинчи саёҳати Шарқий Туркистон ва Фарғона водийсига бўлиб (1902 йил), араб манбаларида келтирилган қадимий шаҳарларни топишга интилди. Мана шу сафар чоғида Фарғонадаги айрим қадимий шаҳарларнинг қолдигини йўл-йўлакай кўриб ўтган эди.

1912 йилда геолог **В.Вебер** Фарғона водийсининг жанубий тоғликларини геологик-разведка қилиб юрганида Сўхдаги бир неча суратлар ҳақида ҳам хабар берган. Буларнинг ҳаммаси Фарғона водийсига бўлган қизиқишни янада кучайтириб юборди. 1915 йилга келиб, Туркистон ҳаваскор археологлар тўғраги аъзоларининг саъй-

ҳаракати билан Марказий Осиё, хусусан, Фарғона водийсининг қадимий тарихига оид талай тарихий-археологик материаллар йиғилган эди.

Собиқ совет ҳокимиятининг илк йилларида олиб борилган қурилиш ишлари жараёнида яна археологларга зарурат туғилди. 1933 йилда **Б.Латинин** Фарғона водийсидаги Норин дарёсида қурилатган гидроэлектростанция ҳудудини ўрганиб чиққан. Иш жараёнида у шарқий ва жанубий Фарғонадаги бир неча археологик ёдгорликларда дастлабки таҳлил ишларини олиб борди. Ўрганилган материаллар асосида қадимги Фарғона тарихини даврлаштиришни илк марта **Б.Латинин** амалга оширган эди. Унинг даврлаштириш усулига ҳозирга қадар археологлар эътибор қаратишади. Шунингдек, у археологлар орасида биринчи бўлиб, қадимги Фарғонанинг сўғориш тизими масалаларига эътибор қаратди ва бу соҳани тадқиқ қилиш, ўрганиш замонавий ирригация қурилмаларини яратишда қўл келиши мумкинлигини таъкидлаб чиқди. Фарғонадаги милодий эра бошларига мансуб ярим хандак, катакомбасимон, тош сағана ва бошқа усулларда дафн этиш одатлари бунга мисолдир. Водийдаги хумларга дафн этиш усулини ҳам биринчи марта **Б.Латинин** фанга маълум қилган.

1930 йилларда яна бир номдор археолог **М.Массон** **Б.Латинин** гуруҳи билан биргаликда Фарғона водийси ва унга чегарадош тоғ ҳудудларини тадқиқ қилиб чиқди. У “Фарғона экспедицияси” таркибида бир неча шов-шувли топилмаларни фанга маълум қилди. **М.Массон** Талас яқинидаги Аччиқ тош қояларида ва Уш шаҳри атрофида олиб борган тадқиқотларда турк-руник ёзувларини ёғоч ва сопол парчаларини топган.

Айниқса, Катта Фарғона канал қурилиши йилларида (1939 й.) **М.Массон** ЎзФА томонидан ташкиллаштирилган археологик экспедицияга умумий илмий раҳбар бўлиб, водийнинг ўнлаб шаҳарларида “археологик разведка” ишларини олиб борган. Шу йили у Фарғона шахрига ҳам ташриф буюриб, шаҳар ҳудудидаги айрим археологик объектларни кўздан кечириб чиққан ва кейинги тадқиқотлар учун режалар тузган. Бироқ унинг режаларига Иккинчи жаҳон уруши халал бериб, мақсадларини орқароққа суришга мажбур бўлди. Урушдан сўнг **Н.Горбунова** унинг қораламаларидан фойдаланиб Фарғона шахри ҳудудидаги объектларда қазиш ишларини олиб борган.

Совет даври пионер археологларидан яна бири **А.Бернштам**нинг қадимий Фарғона тарихини ўрганишдаги хизматлари бебаҳодир. У 1933 йилдан археологик тадқиқотларни ҳам амалга ошира бошлаган. Бунда у илк бор Ўрта Осиёдаги Чуй, Талас ва жанубий Қозғистон ҳудудларида қазиш ишларини олиб борди. 1936 йилдан эса олим Тянь-Шань, Олой ва Помир тоғ тизмалари ва унинг ён-бағирларида археологик тадқиқотларни бошлади. Бу даврда у бир неча марта Фарғона водийси шаҳарларида ва унинг археологик объектларида бўлиб, ўтроқ халқлар билан кўчманчи туркларнинг ўзаро маданий алоқаларини ўрганишга алоҳида ургу берди.

Ўзбекистонда археология фани тарихи ҳақида гап кетганда, хусусан, Фарғона водийсининг қадимий тарихини ўрганилиши масаласида академик **Ғуломов Яхё Ғуломович**нинг ўрни беқиёс эканлиги ҳаммага маълум. У Ўзбекистон тарихидаги илмий муаммоларни ҳал этишда бир қанча йирик археологик қидирув экспедицияларига бошчилик қилди.

Я.Ғуломов 1960 йилларда ЎзФА тарих ва археология институти томонидан ташкил этилган Фарғона экспедицияларига раҳбарлик қилди. Бунинг натижасида Обишир маданияти, Марказий Фарғонанинг тош даври маданияти каби муҳим кашфиётлар қилинди. Фарғона водийсидан палеолит, мезолит, неолит ва бронза даврига оид янги-дан янги манзилгоҳларнинг фанга маълум қилиниши, Фарғонадаги Қапчига, Селунгур, Обишир каби қадимги тош даври гор маконларининг ўрганилиши, илмий жамоатчилик томонидан Ўзбекистоннинг тош даври археологияси учун катта илмий ютуқ сифатида эътироф этилди.

Олим бундан ташқари Чустда аниқланган бронза даври манзилгоҳи, Кува шаҳристонидан топилган Будда ибодатхонасини ўрганиш ишларига ҳам бошчилик қилган. Ушбу кашфиётга бағишлаб ёзилган “Қадимги Кува” монографиясига ҳам Я.Ғуломов муҳаррирлик қилган.

Баҳодир ҲОШИМОВ, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

Тадбир

Ёшлар театридан байрам ҳадяси




«Давлат тили ҳақида» ги қонуннинг 30 йиллигига бағишланган тантана ва тадбирлар давом этмоқда. Андижон вилоят ёшлар театри ижодий жамоаси ушбу сана муносабати билан вилоятнинг Жалақудуқ ва Кўргонтепа туманлари ҳамда театр томошалар залида байрамона кечаларни ўтказди. 19 ок-

тябрь куни театрда Андижон шаҳар ХТБ тасарруфидаги 5-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчи ва ўқитувчилари иштирокида бадиий кеча ташкил этилди. Тадбирда мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари томонидан ўзбек тилини мадҳ этувчи шеърлардан намуналар ўқилди. Театрнинг хушовоз, маҳоратли актёрлари

Ойбек Позилжонов ва Гавҳарой Раҳимовалар ижро этган она Ваган, жонажон юртимиз ҳақидаги кўшиқлар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида ижодий жамоа М.Хамидовнинг «Сўнас юлдуз» асари асосида саҳналаштирилган «Меҳр қолур» спектаклини намойиш этди.



Мозийни сўзлатган олимлар



Мунчоқтепа даҳмаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев диёримиздаги машҳур, қадимий манзилҳоқлар саналмиш археологик ёдгорликлар – Бибинозор, Мугтепа, Ахсикент, Мунчоқтепа сингари археологик ёдгорликлар ҳамда ўлкадаги хунармандлар томонидан турли даврларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар ҳам ўтмишда бу ҳудуд ўзига хос цивилизацияга эришгани ва бой маданий тараққиётга эгалигидан далolat, дея таъкидлагани бежиз эмас.

Наманган вилояти Поп туманида жойлашган Мунчоқтепа археологик ёдгорлигидан 1987 – 1989 йилларда топилган нодир ашёлар жаҳоншумул тарихий ва археологик аҳамиятга эга бўлиб, Мунчоқтепа “Буюк ипак йўли” халқаро экспедицияси харитасига киритилди. Бу ерда 1987 йилдан академик А.Асқаровнинг умумий раҳбарлигида иш бошланган. 1989 йил май ойи охирида Республика Фанлар Академияси Археология институти илмий ходими Боқижон Матбобоев бошлиқ Наманган археология экспедицияси Поп гуруҳи ходимлари шу тепаликнинг шимолида жойлашган иккинчи тепаликдаги V-VII асрларга оид қабристонда қазиб ишларини олиб бораётган маҳал тасодифан ташлама сувлар таъсирида юзага келган ён-бағирдаги жарликларда ҳам қазиб ишлари бошлаб юборилди. Ички деворида на гишт, на бошқа бирорта қурилиш ашёси ишлатилмаган бу сағаналар лаҳм қилиб уйилган. Бир ярим йил муқаддам дафн этилган мурдалар эҳтиёткорлик билан олиб чиқилган. Маълум бўлишича, сағанга жами 47 та тобут қўйилган экан. Улар 5 қават, яъни устма-уст қилиб қўйилиб, шу-

лардан 45 таси сараланган қамишлардан бўлган. Бу тобутларда турли ёшдаги эркак аёлларнинг жасади қолдиқлари ётарди. Ана шу тобутлардан 22 тасинигина сақлаб қолишга эришилган. Тобутлар ҳар бир мурдага мослаб ясалган.

Ушбу сағананинг ўзи ер остида қурилган бўлиб, баландлиги 2 метр, майдонни 15 кв метрни ташкил этади.

Қамиш тобутлар топилмаси ўзига хос ноёб ҳодиса бўлиб, шу кунгача бундай тобутлар топилмаганди. Тобутларнинг ўлчами ҳар бир марҳум бўйига мослаб тайёрланганини кўраемиз. Улар ичида энг узун тобут – 2,20 смга тенг бўлиб, сағанга ёнма-ён қилиб териб чиқилган.

Ҳозирда Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг тарих бўлимида Мунчоқтепа археологик ёдгорлигидан топилган 47 та тобутдан биттаси сақлаб келинмоқда. Марҳум қамиш тобутга эғнидаги либоси билан чалқанча қўйиб жойлаштирилган, айримларининг юзига ипак парда ёпилган. Бундай расм-русумлар ҳам ноёб ҳодиса бўлиб, Хитойнинг Синьцзян туманида учрагани маълум.

Шу билан бирга, марҳумлар у дунёда

яшаши учун керакли бўлган барча нарсалар, яъни касб-корига тегишли буюмлари билан дафн этилган. Сағанга ичидан топилган буюмлар орасида асосан ёғоч, сопол идишлар, саватлар ва бошқа рўзгор ашёлари бор.

Топилмалар бу ерда одамларнинг қулчилик, тўқимачилик, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик, хунармандчилик, пойабзал тикиш билан шугулланганидан ҳам далolat беради. Музейимиздаги экспозициянинг мақсади – вилоятимиз аҳолиси, айниқса, меҳмонлар, сайёҳлар ҳамда ёш авлод вакилларига “Мунчоқтепа” археологик ёдгорлигидан топилган ноёб ва нодир ашёлар тарихи ҳақида маълумот бериб (Қамиш тобутлар, сопол буюмлар, турли ҳажмдаги ҳамда кўринишдаги мунчоқлар, кийим-кечаклар, ҳар хил рўзгор буюмлари ва бошқалар), уларда ажодларимизнинг нафис санъат даражасидаги моҳир хунарманд бўлганидан фахрланиш хиссини шакллантиришдир.

Шухрат Исмоналиев,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими

» Она тилим, жону дилим

У бор экан миллат барҳаёт

21 октябрь куни Фарғона вилояти Бешариқ туманида жойлашган 18-Болалар мусиқа ва санъат мактабида туман маданият бўлими, Халқ таълими бўлими ва Ёшлар иттифоқи туман кенгаши билан ҳамкорликда “Она тилим – жону дилим” мавзусида маъданий – маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўқитувчилар, мураббийлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар фаоллари иштирок этган тадбирни туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати матбуот қотиби, “Бешариқ тонги” газетаси бош муҳаррири Собиржон Темиров очиб берди. Муҳаррир ўзбек тилининг тарихи, унинг ривожига ҳамда миллий адабиётимиз рағбатига хисса қўшган буюк алломалар ҳақида сўз юритди. Шунингдек туманда жойлашган 2-умумтаълим мактабининг маданий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Музаффар Мамадалиев сўзга чиқиб, барчани ушбу байрам билан муборакбод этди. Тадбир туман Маданият бўлими қошидаги “Бешариқ тароналари” ашула ва рақс ансамбли хонандалари куй ва кўшиқлари билан давом этди. Хонандалар Барноҳон Абдужалилова, Наримон Давронов, Жуманазар Қодиров ҳамда Жавлонбек Полвоновлар ўз кўшиқлари билан барчани хушнуд этди. Муножатхон Бердиева раҳбарлик қилаётган “Севинч” болалар рақс дастасининг чиқишлари эса даврага янада файз киритди. 18-Болалар мусиқа ва санъат мактабининг “Дуторчи қизлар” гуруҳи, аъъанавий хонандлик тўғараги қатнашчилари ва хор жамоаси ҳам ўз чиқишлари билан фаол иштирок этди. Тадбир сўнггида иқтидорли ўқувчиларга мутасадди ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Бадиий раҳбар Улуғбек Ҳайдаров

ТАЪЗИЯНОМА

Қашқадарё вилояти маданият бошқармаси “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”, ва “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби Исоқ Тўраевга опаси Сайёра Тўраеванинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради!

» “Тил – миллатнинг маънавий бойлиги”

Мутолаа, таҳлил ва меҳр

21 октябрь куни Хазорасп туман Кўзи ожизлар кутубхонасида ҳам “Тил миллатнинг маънавий бойлиги” мавзусида суҳбат бўлиб ўтди. Уни кутубхона мудир И.Алларов олиб борди.

– Она тилимизнинг бойлиги, буюк қудрати, жозибаси, имконияти бадиий асарларда намоён бўлиб, ёрқин кўзга ташланади, – деди у. – Шу боис, оилада фарзандларнинг китоб, айниқса, бадиий асарлар ўқишига алоҳида эътибор бериш, улар таҳлили, мутолааси асосида она тилига меҳр уйғотиш, ундан фахрланиш хиссини тарбиялаш керак. Тил орқали нутқ маданияти ва одобига доир малака ҳамда кўникмаларни шакллантириш жуда муҳимдир. Бунда донишмандларнинг ўғиту насихатлари, халқ мақолларининг оила даврасидаги шарҳи, халқона ривоятлар, ҳадислар муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бундай манбаларни излаб топишда кутубхоналар муҳим аҳамиятга эга.

Туманимизда самарали фаолият кўрсатиб келаётган Кўзи ожизлар кутубхонаси ана шундай зий масканларидан ҳисобланади. Кутубхона “Пахта тозалаш” ОАЖ биносида жойлашган бўлиб, тумандаги ногиронларга ва уларнинг фарзандларига хизмат қилиб келмоқда. Замонавий жиҳозланган бу маскан барча турдаги адабиётлар билан бойитилган. Янги китоблар тарғиботи, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилиш кутубхонада одатий ҳолга айланган. Давлат тили ҳабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан китоб тақдимоти ҳамда “Тил – миллат жамоли” мавзусида китоб кўргазмаси ташкил қилинди. Бунда Абдулла Қодирий, Чингиз Айтматов, Тоҳир Малик, Томас Майн Рид каби ёзувчиларнинг янги асарларидан фойдаланилди.

» Матбуот анжумани

Музей қайта таъмирланади



18 октябрь куни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги анжуманлар залида Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги ҳузурдаги Маданият ва санъатни ривожлантириш раҳбарияти иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият музейининг реконструкция қилинишида Швейцариянинг “Alternativ Welt” компанияси иштироки ҳақида маълумот берилди. Унда шунингдек, Вена шаҳридаги “Альбертин” музейи директори, музейлар кураторлиги, брендга айлантириш ва бошқариш бўйича етакчи мутасаддис Клаус Альбрехт Шредер ва бошқа мутасаддилар иштирок этишди.

Маданий алоқалар

Франциялик соҳа вакилларида маҳорат дарси

Франция элчихонасининг "A-MEDIA" жамоат бирлашмаси мутахассислари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ташриф буюришди. Учрашув чоғида ҳар икки давлат ўртасидаги санъат ва маданият соҳалари ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Франциялик мутахассислар илғор хориж тажрибаси, замонавий инно-

вациялар, креатив технологиялар, театр ва кино санъатидаги янгича ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларини ўртоқлашди. Меҳмонлар институт профессор-ўқитувчилари — Эрнзар Ербеков ҳамда Иқбол Мелиқўзиев бошчилигида инновацион аудиториялар билан таништирилди. Шунингдек, моддий техник база имкониятлари ва ёш кадрлар салоҳияти ўрганилди. Хорижлик соҳа

усталари талабаларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб бердилар.

Учрашувдан сўнг Франциядаги "Voix du Roupre" театр компанияси актёрлари — Рафаэль Калландро ва Жюли Отисье, чироқ устаси ва овоз режиссёри Тибо Маршессо институт талабалари учун маҳорат дарсларини ўтишди.

Д.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
ЎзДСМИ матбуот котиби



Фотокўргазма


Самарқанд шаҳри куни




18 октябрь куни Ўзбекистон маданият тарихи давлат музейида "Кечаги Самарқанднинг бугунги манзараси" номли фотокўргазма ташкил этилди.

Самарқанд шаҳри куни муносабати билан ўтказилган мазкур фотокўргазмада музей-кўриқхона фондида сақланаётган, кўҳна шаҳар ўтмиши ва бугуни акс этган фотолар намоиши этилмоқда. Улар орасида қадимий шаҳарнинг муқаддас қадамжолари, зиёратгоҳлари тасвирланган қарийб бир асрлик фотосуратлар бор.

Самарқанд қадимдан йирик илм-фан, маданият, маърифат маркази бўлиб келган. Бу заминдан дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар етишиб чиққан. Мусоф-қоҳ табии, муқаддас қадамжолари ва меҳмондўст инсонлари билан дунё аҳлининг эътиборига тушган шаҳарга нафақат маҳаллий, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳам қизиқиши катта. Айниқса, ўз даврида буюк соҳибқирон Амир Темури бирлаштирган давлат пойтахти бўлган Самарқанднинг бош майдони — Регистон улуғворлиги, мафтункорлиги билан ҳар бир инсонни лол қолдиради.



Салкам 3 минг йиллик тарихга эга Самарқанд шаҳри мустақиллик йилларида янада обод ва кўркем шаҳарга айланди. Зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжоларнинг асл шухрати қайта тикланди, улар жойлашган худудлар обод масканларга айлантирилди. 1996 йилдан буён эса ҳар йили 18 октябрь санаси Самарқанд шаҳри куни сифатида кенг нишонланади. Юқоридаги кўргазма ҳам шу муносабат билан ташкил этилди.



XIX аср охири XX аср бошларига келиб, бу ерда Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий, Файзуллаҳўжа Равнақий, Абдулло Раҳмон Гулшаний, Исмоилхон Шаҳрисабзий Фақирий, Нажмиддин Асирий, Салоҳиддин Маннон ўғли каби йирик адабиёт вакиллари яшаб ижод қилдилар ва ўзбек классик адабиёти анъаналарини давом эттирдилар. Файзуллаҳўжа Равнақий — мана шундай аждодларимиздан бири. У шоирликдан ташқари тасаввуф тарихига оид асарлар муаллифи ҳам бўлган. "Равнақий", "Рамзий" тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Бундан ташқари, хаттотлик санъатида ҳам хабардор бўлган. У отаси изидан бориб, 1919 йилдан Шаҳрисабз қозиси сифатида иш олиб борган.

1929 йилдан бошлаб қозилик судлари йўқ қилиниши муносабати билан собиқ тузум идораларида юрист вазифасида хизмат кўрсатган. Аммо ўтган асрдаги қатагон сиёсати туфайли (1930-1931 йиллар) у ўз вазифасидан кетишга мажбур бўлган ва шахсий архиви ҳамда кутубхонасини яшириб, Тожикистонга кетган. Орадан йиллар ўтиб (1950 йилдан), Шаҳрисабзга қайтиб келган, бироқ давлат ишларида умуман ишламаган.

Файзуллаҳўжа Равнақийнинг дастлабки шеърӣ тўплами "Тухфатул аҳбоб фи тазкиратул асрӯб" номи билан 1915 йилда Бухорода нашр қилинган. Унинг шеърлари асосан ишқий ва ижтимоий мавзуларда ёзилган. Хаттотнинг шахсий кутубхонасида 100 га яқин қўлёзма китоблар сақланган.

Буюк аждодларимиз

Шаҳрисабз — шоир ва хаттотлар юрти

Шаҳрисабз — кўплаб олиму фузалолар, хаттоту шоирлар, маданият вакиллари юрти, бу ерни адабиёт ва санъат асарларини севувчилар, ижодкорлар макони десак, муболага бўлмайди. XV-XIX асрларда шаҳардан Айюб Шаҳрисабз ибн Абулбарака, Лозимий Кеший, Нажмий Кеший, Ҳаким Шаҳрисабзий, Фарах Шаҳрисабзий каби шоирлар етишиб чиққан.



Бундан ташқари, у 10 га яқин асарлар муаллифи. Унинг "Рисолайи тариқати ишқия", "Рисолайи чистия", "Рисолайи жаҳрияи Ясавия" асарлари шулар сирасига қиради. Файзуллаҳўжа Равнақий хаттот сифатида "Бисмиллоҳ"ни 25 хил усулда ёзиб чиққан. Унинг архиви ва кутубхонаси Шаҳрисабзда авлодлари қўлида сақланмоқда.

Абдуллох Раҳмон Гулшаний ҳам ғазал, мухаммас, рубоийлар ёзган. Шаҳрисабзда туғилган бу шоир умрининг охири йилларини Қамаш туманида ўтказган. 1917 йилда танқидий шеърлари учун Бухоро амири томонидан зиндонга ташланган.

1927-1929 йилларда эса Тошкентдаги Ўрта Осие давлат университетига ўқиб, турли давлат идораларида хизмат қилган. 1962 йилдан ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаб бошлаган. Ўзи қолдирган маълумотларга кўра, Гулшаний жами 600 мисрадан ортиқроқ шеърлар ёзган. 1998 йили унинг "Алвидо" номли шеърӣ тўплами нашр этилган. Шунингдек, у мураккаб жанрлардан бўлган муаммо (танқидий) йўналишида ҳам ижод қилишни яхши кўрган. Бундан ташқари, ҳар байти ошқ ва машуқалар ҳақидаги "Тўйю тўёна" деб номланган дoston ёзган.

Абдуллох Раҳмон Гулшанийнинг қўлёзма китоблардан иборат кутубхонаси ҳам бўлган. Унинг 2 жилдан иборат "Тулистони Гулшаний" девони, 3 жилдлик тожикча шеърлар тўплами ва дostonлари ҳозирги кунда ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Яна бир шоир — Салоҳиддин Маннон ўғли (Солиҳий) ҳам Шаҳрисабзда яшаб ижод қилган. У "Шоҳ Аббос ва Шамсиқамар" номли тарихий дидактик дoston ёзган. Салоҳиддин Маннон ўғли (Солиҳий)нинг асарлари ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Бу шоир ҳам хаттотлик санъати қўлёзма китобларини кўчиришда яхши натижаларга эришган.

Шаҳрисабз шаҳри ўзининг хаттотлари билан ҳам машҳур бўлган. Жумладан, Муҳаммад Юсуфхўжа Шаҳрисабзий (Кеший), Иброҳим Девона, Мулла Дўст Муҳаммад Шаҳрисабзий, Бобобек Иштабир, Мирзо Абдулваҳҳоб, Мирзо Иброҳимхўжа, Имомиддин Шаҳрисабзий, Ермуҳаммад Қора Шаҳрисабзий, Эргаш Девонайи Кеший, Муҳаммад Латиф Кеший, Абдумалик Шаҳрисабзий, Раҳматулла Ғизольи Кеший, Мирзо Абдулқодир Кеший, Муҳаммад Шералибек Шаҳрисабзий, Муҳаммад Ражаб Шаҳрисабзий, Абдулғафур Шаҳрисабзий, Муҳаммад Юсуф Шаҳрисабзийлар ўз замонининг машҳур хаттотлари бўлишган. Бинобарин, Юнусхўжа Шаҳрисабзий 30 га яқин асарларини кўчирган. Тошкентдаги машҳур хаттот Шоҳмурод котиб Юнусхўжага тақлид қилиб, форс-тожик адабиётининг машҳур намояндаси — Абдулқодир Бедил девонини бир неча марта шикаста хати билан кўчириб, тошбосмада нашр қилдирган.

Ермуҳаммад Қора Шаҳрисабзий ҳам 1821-1876 йиллар мобайнида биргина Алишер Навоийнинг "Хамса" асарини 5 маротаба оққа кўчирган.

Хулоса ўрнида шунга айтиш жоизки, Шаҳрисабз хаттотлари кўчирган асарлар асосан майда насталиқ хатида битилган. Бундай услубда ёзиш Шаҳрисабз хаттотларигагина хос бўлган хусусиятдир.

Соҳиба ОЧИЛОВА,
Шаҳрисабз шаҳар Амир Темури номли маданият тарихи музейининг бош мутахассиси



МАДАНИЯТ

ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева
Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин.

«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Шоҳида Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8341 Буюртма - Г - 1027
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета "Шарк" наشريят-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турун кўчаси, 42.
Босмахонага топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00
1 2 3 4 5